

ЎЗБЕКИСТОНДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ ВА ПРОФИЛАКТИКА МЕХАНИЗМЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-ўқув курси 338-гуруҳ
курсанти Хисрамов Хушбахт Хуришедович*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Давлат-ҳуқуқий фанлар ва
инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси,
катта лейтенант Чориев Маҳмуджон Аҳмад ўғли*

Аннотация: Мақолада давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашиш масаласи, коррупциявий омилларнинг моҳияти ва уларнинг коррупциянинг пайдо бўлиши, ривожланиши ҳамда мавжудлигини сақлаб қолишдаги роли таҳлил қилинади. Коррупциявий омилларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва статик жиҳатдан кўриниши, уларнинг давлат бошқаруви ва қонунчиликдаги аҳамияти ўрганилади. Шунингдек, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишда қабул қилинган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, профилактика инспекторлари ва давлат органларида коррупцияга қарши тизимли чоратадбирлар тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: Коррупция, коррупциявий омил, давлат бошқаруви, ҳуқуқбузарлик, профилактика, коррупцияга қарши қонунчилик, коррупция хавфи, давлат хизмати, очиқлик

Кириш

Давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Коррупция нафақат ҳуқуқбузарлик сифатида, балки ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳодиса сифатида ҳам ўрганилиши керак. Коррупциявий омиллар эса коррупциянинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва сақланишида асосий роль ўйнайди. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишда ҳуқуқий асослар, профилактика тадбирлари, давлат хизматчилари фаолиятида очиқлик ва жамоатчилик назоратини кучайтириш йўлга қўйилган. Мақолада коррупциявий омиллар концепцияси, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий мазмуни, ҳамда уларни бартараф этиш чоралари таҳлил қилинади.

Давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашишда биринчи галда ҳал этилиши лозим бўлган масалалардан бири коррупциявий омилларни аниқлаш ҳамда коррупция бўйича тушунчаларни ойдинлаштириб олиш ҳисобланади. Тадқиқотларда ҳамда адабиётларда коррупциявий омилларни асосан коррупциянинг пайдо бўлиши билан боғлашади. Бироқ биз бу фикрдан йироқмиз. Коррупциявий омиллар нафақат коррупциянинг пайдо бўлишига, айти пайтда унинг ривожланиши ва мавжудлигини сақлаб қолиши учун ҳам

хизмат қилади. Коррупция мураккаб, соҳалар ва тармоқлараро супермегахарактерга бўлганлиги сабабли унинг омиллари ҳам худди шундай характерга эга ҳисобланади. Аммо шундай бўлсада унга нисбатан полифоник ёндашув кучли. Бу эса коррупция ва коррупциявий омилларга нисбатан субстанционал ёндашув орбитасидан узоқлашишга сабаб бўлмоқда. Шу ўринда коррупциявий омиллар ва коррупциянинг бир-бирига нисбати қандай, улардан қай бири бирламчи ва қай бири иккиламчи деган масалани ҳам аниқлаштириб олишимиз мақсадга мувофиқ. Агарда коррупциявий омиллар бўлмаса коррупция ҳам бўлмайди деган нуқтайи назардан ёндашадиган бўлсак унда коррупциявий омиллар бирламчи бўлади. Агарда коррупцияни қандай тушуниш кераклиги нуқтайи назардан ёндашадиган бўлсак, унда коррупция бирламчи бўлиб қолади. Масалан биз коррупцияни фақат жиноят, бордию, ҳуқуқбузарлик сифатида тушунадиган бўлсак, унда коррупциянинг моҳияти ҳам ҳуқуқбузарликларга хос мазмунда бўлади.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021-йил 24-февралдаги 2-МХ-сон буйруғи билан тасдиқланган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомда коррупция ҳуқуқбузарлик сифатида тушунилган ҳамда шу асосда коррупциявий омил ҳам ҳуқуқбузарлик тушунчасига мос тарзда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияни юзага келтирадиган ҳуқуқий нормалар сифатида талқин этилган.¹ Коррупция (лотинча: *corruptio* – айниш, порага сотилиш) – мансабдор шахснинг ўз мансаби бўйича берилган ҳуқуқларни шахсий бойиш мақсадларида бевосита суиисте’мол қилишидан иборат амалиёт. Мансабдор шахсларни сотиб олиш, уларнинг порага сотилиши ҳам Коррупция дейилади.² Бугунги кунда коррупцияни вужудга келтирувчи омиллар турли ракурслардан ўрганилган ва ўрганилмоқда. Илмий-назарий жиҳатдан коррупцияга қарши курашиш масаласи нафақат ҳуқуқий фанларнинг, айни чоғда бошқа ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам муҳим мавзуларидан бири ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда давлат хизматида коррупция омилларини бартараф этиш; кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни яратиш; коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш; коррупцияга

¹ Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2-мх-сон буйруғи // <https://lex.uz>.

² Хисравов, Хушбахт Хуршедович, and Шерзод Ниматжонович Ниматов. "КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНING АҲАМИЯТИ." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.6 (2025): 121-125.

қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш; коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни қўллаб-қувватлаш; коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни кучайтириш; аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг “коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида ишлаши бўйича тегишли чоралар амалга оширилмоқда.³ Коррупцияга қарши курашиш масаласи битта фан доирасида анча кенг мавзу ҳисобланади. Бу борада В.Н. Лопатиннинг “Коррупцияга қарши курашиш – нафақат жиноят ҳуқуқининг муаммоси, балки умум юридик, ижтимоий ва сиёсий муаммо ҳисобланади” деган фикрига⁴ тўлиқ қўшилиш мумкин. Шунинг учун ҳам давлат ва ҳуқуқ назарияси, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, криминология фанлари доирасида коррупцияга қарши курашиш масалалари алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилади. Коррупциявий омил тушунчасининг лингвистик ҳамда ҳуқуқий мазмунида ҳам бирмунча фарқ бор. Хусусан агарда биз ушбу тушунчани фақат лингвистик жиҳатдан тушунадиган бўлсак, коррупция ҳамда коррупциявий омилларни торроқ тушунамиз. Бошқача айтганда соф, лингвистик жиҳатдан коррупциявий омил тушунчаси бироз жўн мазмун касб этади. Б.И. Исроилов ҳамда Е.Ф. Гадоевлар коррупциявий омилларни жамиятдаги коррупциявий хатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлиши, сақланиши, ўзгариши ва тарқалишига таъсир кўрсатадиган ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар сифатида тушунтиришади⁵. Яна бошқа кўплаб манбаларда эса коррупциявий омиллар норматив омил сифатида бирёқлама талқин қилинганлигини кузатиш мумкин⁶.

Коррупциявий омил тушунчаси ўз мазмунига кўра коррупциявий хавф тушунчасига яқин туради. Аммо бу икки тушунчани синоним сифатида талқин қилиш керак эмас. Коррупциявий хавф адабиётларда таъкидланганидек, давлат

³ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022–2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi farmoni // <https://lex.uz/docs/5841063>.

⁴ Лопатин В.Н. О системном подходе в антикоррупционной политике / В.Н. Лопатин // Государство и право. – 2001. – № 7. – С. 23.

⁵ Исроилов Б.И., Гадоев Э.Ф. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изоҳли луғати. Тошкент, 2019. – б. 29.

⁶ Глоссарий юридических терминов по антикоррупционной тематике : словарь-справочник / сост. Н.А. Власенко, А.М. Цирин, Е.И. Спектор [и др.]. — М. : Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации : ИНФРА-М, 2016. — с. 52., Коррупциогенные факторы: понятие, виды, проблемы их практического применения // <https://www.airmgn.ru/pravovaya-informatsiya/prokuror-raz-vasnyaet/21-passengers/informatsiya/prokuror-raz-vasnyaet/142-korrupsiyogennye-factory-teoriya-i-praktika-primeneniya,file:///C:/Users/1/Downloads/korrupsiyogennye-factory-ponyatie-vidy-problemy-ih-prakticheskogo-primeneniya.pdf>, Барабаш О.В. «Коррупциогенный фактор» как юридический термин: структура, содержание, дефиниция // [file:///C:/Users/1/Downloads/korrupsiyogennyy-faktor-kak-yuridicheskoy-termin-struktura-soderzhanie-definitiya%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/1/Downloads/korrupsiyogennyy-faktor-kak-yuridicheskoy-termin-struktura-soderzhanie-definitiya%20(1).pdf).

органларида хизмат олиб бораётган ходимларнинг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишлари имкони юқори бўлган хизмат муҳити ҳисобланади. Коррупциявий омил эса кенгрок мазмунга эга. Аммо коррупциявий хавф тушунчасини «юттиб» юбормайди. Шунингдек, коррупциявий омил криминологиядаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларига ҳам анча яқин тушунча ҳисобланади.⁷ Криминологияда ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ҳамда уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар бирга қўллансада аследа мустақил маънода тушунилади. Коррупциявий омил ҳам сабабни ҳам шарт-шароитни бир пайтда ўзида ифодалайди. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, коррупциявий омиллар коррупциянинг вужудга келиши, ривожланиши ва ўз мавжудлигини сақлаб қолиш учун сабаб бўладиган ҳамда имкон берган ҳолатлар, вазиятлар ҳамда жараёнлар ҳисобланади. 2016-олдин ҳам коррупцияга қарши курашиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари мавжуд эди. Аммо бунга қадар коррупция умумий ҳуқуқбузарликлар таркибида тушунилар ва унга алоҳида урғу берилмаган эди. 2016-йилдан бошлаб коррупцияга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатларидаги дедукциялашиш динамикаси тезлашди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Олиб борган таҳлилларимиз давлат бошқарувида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини қуйидагича таснифлаш мумкинлигини кўрсатмоқда: Коррупцияга қарши курашишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари қуйидаги йўналишларда белгиланган:

биринчидан, Конституциянинг тегишли нормаларида коррупцияга қарши курашишнинг концептуал асослари белгиланган. Хусусан, Конституциянинг 2-моддасида белгиланган давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъуллиги тўғрисидаги қоида мансабдор шахсларнинг халқ олдидаги масъуллигини таъминлаш ҳамда давлат бошқарувида бюрократик элементларни бартараф этиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва концептуал асослари бўлиб хизмат қилади. Хусусан, “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилади” деган тамойил ҳам бевосита юқоридаги норманинг ғоявий-сиёсий кўриниши ҳисобланади. 20-моддада белгиланган инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига

⁷ Глоссарий юридических терминов по антикоррупционной тематике : словарь-справочник / сост. Н.А. Власенко, А.М. Цирин, Е.И. Спектор [и др.]. — М. : Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации : ИНФРА-М, 2016. — с. 83., Коррупциогенные факторы: понятие, виды, проблемы их практического применения // <https://www.airmgn.ru/pravovaya-informatsiya/prokuror-raz-yasnyaet/21-passengers/informatsiya/prokuror-raz-yasnyaet/142-korrupsiyogennye-factory-teoriya-i-praktika-primeneniya,file:///C:/Users/1/Downloads/korrupsiyogennye-factory-ponyatie-vidy-problemy-ih-prakticheskogo-primeneniya.pdf>.

талқин этилиши тўғрисидаги норма эса қонунчиликдаги зиддиятлар ва ноаниқликлар кўринишидаги коррупциявий омилларнинг шахс фойдасига талқин этилишига хизмат қилади.⁸

Иккинчидан, Конституциянинг иккинчи бўлимида белгиланган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликларига оид нормалар коррупцияга қарши курашишда фуқароларнинг иштирокига оид имкониятларни тақдим этади. Энг муҳими, ушбу имкониятлар давлатнинг тегишли функциялари орқали таъминланади ва кафолатланади. 33-моддадаги ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгалиги, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эгалиги тўғрисидаги норма коррупцияга оид ҳолатлар юзасидан ўз муносабатларини билдириш ва коррупцияга оид ахборот эркинлигини таъминлашга хизмат қилади. 34-моддада барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозимлиги белгиланган. Мазкур норма давлат органларининг фуқаролар ва кенг жамоатчилик учун очиқлигини таъминлашга хизмат қилади. Очиқлик эса ўз навбатида коррупциявий омилларнинг вужудга келишига қарши турувчи энг муҳим воситалардан биридир.⁹

Таҳлиллар Конституцияда коррупцияга қарши кўришишга оид тўғридан-тўғри нормаларни ҳам киритишни талаб қилмоқда. Шу сабабли Асосий қонунга коррупцияга қарши курашишга оид янги киритилаётган нормалар аҳамиятлидир. Коррупцияга қарши курашишда конституциянинг тутган ўрни ҳақида тадқиқот олиб борган Самира Линдер ҳам конституциянинг коррупцияга қарши курашишдаги салоҳияти юқори эканлиги, шу сабабли унда давлат органларининг очиқлиги ва коррупцияга қарши курашишга оид бошқа муҳим масалалар белгиланиши тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган. Бевосита коррупцияга қарши курашишни белгилловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар умумий ва ташкилий масалаларни ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг талаблари ва чораларини ифодалайди. Бунда шубҳасиз Ўзбекистон Республикасининг 2017-йил 3-январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни пирамиданинг асоси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, 2022-йил 29-июнда қабул қилинган “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ҳамда 2022-йил 8-августда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунларда ҳам коррупцияга қарши курашишнинг бевосита ҳуқуқий асослари белгиланган.

⁸ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <https://lex.uz/docs/6445145>.

⁹ O'sha manba.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари коррупцияга қарши курашишда давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, коррупцияга қарши курашишнинг муҳим масалаларини белгилашни назарда тутди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 27-майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон фармони билан 2019 – 2020-йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури тасдиқланди. Шунингдек, Фармон билан коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболдаги вазифалари, коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантириш ва бошқа муҳим вазифалар белгиланди.¹⁰

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 29-июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди ҳамда унинг ҳуқуқий мақоми ва асосий фаолият йўналишлари ҳуқуқлари белгилаб берилди. Шунингдек мазкур фармон билан 2020 – 2021-йилларда барча давлат ва хўжалик бошқаруви органларида коррупцияга қарши ички назорат тизими («компланс-назорат»)ни босқичма-босқич жорий этиш вазифаси қўйилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 6-июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони билан «Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очик электрон реестри»ни юритиш, 2022-йил 1-январдан бошлаб, давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкини мажбурий декларация қилиш тизими жорий этиш белгиланди ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021 – 2022-йилларга мўлжалланган давлат дастури тасдиқланди.¹¹

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/4355387>.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони //

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 6-июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5177-сон Қарорига биноан 2021-йил 1-сентябрдан бошлаб давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларда ишга қабул қилишни очик танлов асосида амалга ошириш ҳамда танлов доирасида ўтказиладиган синов тадбирларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатишни назарда тутувчи тартиб жорий этиш, 2021-йил 1-октябрдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйиш, 2021-йил 1-августдан бошлаб давлат харидлари соҳасида шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлат харидлари соҳасида ўтказилаётган тендер (танлаш) натижаларини мажбурий тарзда очик эълон қилиш амалиёти жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 22-октябрдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5263-сон қарорига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича тегишли ташкилий чоралар ва тартиботлар белгиланди. Жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни «коррупциядан холи қонунчилик» тамойили асосида ишлаб чиқиш ҳамда қуйидагиларни назарда тутувчи коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартибини жорий этилди: амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни босқичма-босқич тўлиқ коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишга жамоатчилик, илмий ташкилотлар ва мустақил экспертларни кенг жалб қилиш; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ишлаб чиқувчи томондан коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича намунавий шаклдаги саволнома тўлдирилиши ва лойиҳа қабул қилингунга қадар бўлган барча босқичларда унга илова қилиниши; чеклист тўлдирилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари адлия органлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаслиги ва ишлаб чиқувчига қайтарилиши; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларида адлия органлари томонидан аниқланган коррупциявий омиллар тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири этиб белгиланиши.

<https://lex.uz/docs/5495529>.

Шунингдек, мазкур қарор билан қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳаларидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижасида аниқланган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича «йўл харитаси», 2022 — 2026-йилларда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режа-график ҳамда 2021-йилда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 7-декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-34-сон қарорига асосан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқликни таъминлашга оид материалларни тайёрлаш учун буюртмалар бериш, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларини ҳамда бу борада ўтказиладиган тадқиқотларини ва ижтимоий сўровларини молиялаштириш, коррупцияга қарши курашиш соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлигига қўшимча вазифалар юкланди. Шунингдек, Агентликда унга юклатилган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни молиялаштиришга кўмаклашувчи, юридик шахс мақомига эга бўлмаган Жамоатчилик назоратини ривожлантириш жамғармаси фаолияти йўлга қўйилди.

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунга кўра, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш ҳамда юридик, ижтимоий ва ташкилий чоралар орқали уларнинг содир бўлишига тўсқинлик қилиш тизими ҳисобланади. Ушбу қонун ҳуқуқбузарликларни олдини олиш масаласини қамраб олади ва профилактика фаолиятида иштирок этувчи органлар, жумладан ички ишлар органларининг профилактика инспекторларини ҳам белгилайди. Профилактика инспекторлари жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича тузилган тизимнинг муҳим элементи бўлиб, уларнинг фаолияти жорий тенденциялар — жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш йўналишларини ўз ичига олади. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторлари тузилмаси ва фаолияти қуйидагича ташкил этилади:

а) Жойларда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш

Профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жумладан коррупциявий ҳолатлар учун хавфлар ва имкониятларни камайтириш бўйича

жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик орқали ҳам фаолият олиб боришади. Улар маҳалла, таянч пунктлар ва жамоатчилик институтлари билан ҳамкорлик қилиб, профилактик суҳбатлар, ҳуқуқий тарғибот ишлари ва аҳоли орасида ҳуқуқий онгни оширишни таъминлайди.

б) Маҳалла ҳамда жамоат назорати билан интеграция

Профилактика инспекторларининг иши маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан берилган вазифаларни мувофиқлаштиришга асосланади. Бу тизим жойларда жиноятчиликка, ҳуқуқбузарликларга ва коррупцияга қарши профилактика чораларини тизимли йўлга қўйиш имконини беради.

в) Ҳуқуқий тарғибот ва жамоатчилик билан мулоқот

Профилактика инспекторлари аҳоли билан мулоқот орқали ҳуқуқий маданиятни ошириш, коррупциявий ҳолатлар ва ҳуқуқбузарликлар хавфи тўғрисида жамоатчиликка маълумот бериш, шунингдек, фуқаролар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика чораларини кенг жорий этиш билан шуғулланади. Бу омиллар коррупциявий хатти-ҳаракатларга нисбатан жамиятнинг муҳим дастакчисига айланади. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни олдини олишда профилактика инспекторлари — ички ишлар органлари тизимида жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш билан шуғулланадиган муҳим ижтимоий-ҳуқуқий фаолият субъекти ҳисобланади. Уларнинг асосий вазифаси — ҳуқуқий онгни ошириш, жамоатчилик билан ҳамкорлик, коррупциявий хатти-ҳаракатларининг келиб чиқиш сабабларини олдини олиш ҳамда санкция қўлланишига чағи профилактика чораларини амалга оширишдан иборат. Бу фаолият коррупцияга қарши ҳуқуқий сиёсатнинг бир қисми бўлиб, унинг таъсирчанлигини оширишда муҳим ўрин тутади. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, таҳлиллардан кўриниб турибдики, коррупциявий омиллар коррупциянинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва барқарорлигини таъминлайдиган асосий сабаб ва шарт-шароитларни ташкил қилади. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишда Конституция ва қонунчилик нормалари, давлат дастурлари, профилактика инспекторлари фаолияти ҳамда очиқлик ва жамоатчилик назорати тизими самарали механизмлар сифатида ишлаб чиқилган. Шу билан бирга коррупцияга қарши курашишда соҳалар ва ташкилотлар орасида интеграциялашган, тизимли ва профилактик ёндашувни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 24 февралдаги “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2-МҲ-сон буйруғи // Lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони // Lex.uz — <https://lex.uz/docs/5841063>.

3. Лопатин В.Н. О системном подходе в антикоррупционной политике // Государство и право. – 2001. – № 7. – С. 23.

4. Исроилов Б.И., Гадоев Э.Ф. Коррупция тушунчаси ва унга қарши курашишга оид атамалар изоҳли луғати. — Тошкент, 2019. – Б. 29.

5. Глоссарий юридических терминов по антикоррупционной тематике: словарь-справочник / сост. Н.А. Власенко, А.М. Цирин, Е.И. Спектор ва бошқалар. — М.: Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации : ИНФРА-М, 2016. — С. 52.

6. Коррупциогенные факторы: понятие, виды, проблемы их практического применения//— <https://www.airmgn.ru/.../142-korrupsiyogennyye-faktory-teoriya-i-praktika-primeneniya>

– PDF манба: [korrupsiyogennyye-faktory-ponyatie-vidy-problemy-ih-prakticheskogo-primeneniya.pdf](https://www.airmgn.ru/.../142-korrupsiyogennyye-faktory-teoriya-i-praktika-primeneniya).

7. Барабаш О.В. «Коррупциогенный фактор» как юридический термин: структура, содержание, дефиниция //– PDF манба: [korrupsiyogennyye-faktor-kak-yuridicheskiy-termin-struktura-soderzhanie-definitsiya.pdf](https://www.airmgn.ru/.../142-korrupsiyogennyye-faktory-teoriya-i-praktika-primeneniya).

8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Lex.uz — <https://lex.uz/docs/6445145>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони // Lex.uz — <https://lex.uz/docs/4355387>.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони // Lex.uz — <https://lex.uz/docs/4875784>.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сон Фармони // Lex.uz — <https://lex.uz/docs/5146554>.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши мурасимсиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сон Фармони // Lex.uz — <https://lex.uz/docs/5495529>.

12. Хисравов, Хушбахт Хуршедович, and Шерзод Ниматжонович Ниматов. "КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ АҲАМИЯТИ." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.6 (2025): 121-125.